



## **ЙОҲАН ВОЛФГАНГ ГЁТЕНИНГ «ФАРБУ ШАРҚ ДЕВОНИ» АСАРИ**

**Асомиддинова Гулибарно**

**Фаргона давлат университети, гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллари  
кафедраси ўқитувчиси**

**Аннотация:** Ушбу тезисда тадқиқотчи буюк немис шоири ва мутаффакири Йоанн Волфганг Гётенинг “Фарбу шарқ девони” асарига кисқача таъриф бериб, асардан парча келтиради ва ўқувчиларда девон ҳақида тушунча уйғотади.

Калит сўзлар: Девон, драматург ва давлат арбоби, жаҳон адабиёти, инсонпарварлик рухи, ошиқ образ.

**Annotation:** In this thesis, the researcher gives a brief description of the work of the great German poet and thinker Johann Wolfgang Goethe, "The West-East Divan", cites an excerpt from the work, and gives readers an understanding of the divan.

**Keywords:** Divan, playwright and statesman, world literature, humanitarian spirit, image of a lover.

Буюк немис шоири Йоҳанн Вольфганг Гёте (1749-1832) нафақат шоир, балки адабиётшунос-олим, тарихчи, файласуф, рассом, драматург ва давлат арбоби сифатида машхурдир. Унинг Ваймарда чоп этилган жаъмики ижод асарлари 143 жилд китобларни ташкил этди. Гётенинг “Фауст”, “Ёш Вертернинг изтироблари”, “Фарбу шарқ девони”, Вильхельм Майстер ўқиш йиллари”, “Ифигения” каби кўплаб асар ва шеърлари жаҳон адабиётида салмоқли ўрин тутади. Буюк шоир уч мингдан зиёд шеърлар муаллифидир. Унинг асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига ўтирилган. Улар орасида инсонпарварлик рухи йўрғалган “Фарбу шарқ девони” алоҳида ўринга эга бўлиб, Шарқ ва Фарб адабиётининг ўзига ҳос жихатларини ўзида мужассам этди.

Ўзининг “Фарбу шарқ девони” асарини Гёте беш йил мобайнида ёзди ва 1819 йилда ниҳоясига етказди. Бу асарнинг нашр этилиши дунё адабиётида шаклланиб бораётган янги ҳодиса – фарб ва шарқ адабиёти синтезига аниқ исбот бўла олди. Ушбу ўзига ҳос асарда Гёте гарчи фарб ва шарқ маданияти ўртасида маданий ва тарихий фарқлар бўлсада, умуинсоний қадриятлар айни эканлигини ҳамма учун тушунарли бўлган инсон ички оламининг энг нозик ҳисларидан – муҳаббатни тараннуми орқали юксак маҳорат ила тасвирлаб берди. Шарқ маданияти ва шеъриятини умумбашарий қадриятини буюк шоир бир алоҳида



қаҳрамон орқали эмас, балки бутун бир шарқ маданияти ифодаси орқали кўрсатиб берди. Ғарбликлар учун шарқ ўзининг сехри билан, турли товланишлари билан, ҳиссиётларга бойлиги ва ўзига ҳослиги билан намоён этилади.

Маълумки , Шарқ шеъриятининг ўзига ҳос усули мавжуд бўлиб, унинг замирида ошиқ образи ортида Ҳақга муҳаббат тушунилади. Гёте ҳам бу усулни шарқ шоирларидан , аниқроғи Ҳофиздан андоза олиб, ўзининг “Ғарбу шарқ девони” асарида қўллаган. Манбааларда келтирилишича, Гёте муқаддас Қуръони-Каримни немис тилига ўгирилган таржимасини, “Минг бир кеча” эртакларини, европалик саййёҳлар шарқга қилинган сафарларида ёзган кундаликларини ўқиб чиқгач, шоирнинг шарқга ва айниқса, форс шеъриятига бўлган қизиқиши янада ортади. Лекин кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, шарқ шеъриятини англаб етишига Гётега шоир Ҳофизнинг “Девони” қатта таъсир кучига эга бўлди. [3]. Жаҳоннинг буюк шоирлари деб Гёте Ҳофиз, Навоий, Саъдийни деб билиб, ўзининг уларнинг соясига ҳам лойиқ эмаслиги камтарлик ила баён этган. Ҳофизга бўлган чуқур эҳтироми унинг “Пайравлик” номли шеърида акс этган:

Мендадир байтингга сингмоқ ҳаваси,

Тақлид этмоқ сенга мен учун шараф.

Аввало маъно, кейин сўз ихтиросин

Айламак! Яширап дурни-да садаф.

Хар сўзингни бордир неча маъноси,

Бундай бахтга бир сен бўлдинг мушарраф.

Учқундан алнга бўлганда пайдо,

Шиддатли алнга ер юзин қамраб-

Юлдузларга қараб учгандай, илло

Сендан қудрат-оташ келди ўрмалаб,

Олмон қалбин бу оташ этди шайдо





Ва аланга берди мангу ўт қалаб.[2,179]

Ўрта аср шарқ шеъриятига ҳос сўфийлик ғоялари буюк немис мутаффакиринг “Фарбу шарқ девони” асарида ҳам кўзга ташланади. Ислом дини таълимоти асосида пайдо бўлган сўфийликнинг бош ғояси илм, адолатпарварлик, эркин фикрлаш, жамият тарбияси ҳисобланади.

“Фарбу шарқ девони” асари “Муғанийнома”, “Хофизнома”, “Ишқнома”, “Тафриқнома”, “Ранжнома”, “Хикматнома”, “Темурнома”, “Зулайҳонома”, “Сокийнома”, “Масалнома”, “Форсийнома”, “Хулднома” каби китоблардан иборат.

Муқаддас Қуръони Каримдаги “шарқ ҳам, ғарб ҳам Оллохниидир!” деган ояти Гётенинг севимли ибораларидан эди. Шунга монанд шоир ўзининг “Фарбу шарқ девони” асарида иккала маданият эришган буюк ютуқларини юксак маҳорат илиа ҷоғиштиришга муваффақ бўлган.

Шарқни яратгандур Худо,  
Магрибни этгандир бино.  
Офат йўқдир ўнг-сўлида

Шимол, Жануб Ҳақ қўлида.[2,168]

Мана икки асрдан буён буюк немис шоири Йоҳанн Волфганг Гётенинг илмий меъроси ва яратган асарлари турли соҳа олимларинг диққатини тортиб келмоқда. Рассомлар, бастакорлар, ҳайкалтарошлар, ҳукуқшунослар, табиётшунослар унинг ижоди ва фаолиятини янги қирраларини очиб келишмоқда. Гётенинг “Фарбу шарқ девони” асари эса инсонийлик ғоялари билан ҳамоҳанг бўлиб, унда ҳалқлар дўстлиги, ҳамжиҳатлиги, қурол яроқсиз ҳам муаммоларни илм, адолат ва тафаккур орқали ҳал қилса бўлишилиги ғоятда мафтункор тилда баён этилган.

Яна шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш керакки, ушбу асарни немис тилидан ўзбек тилига Садриддин Салим Бухорий таржима қилган ва бизларга ушбу девонни она тилимизда ҳам мутолаа этишимизга кўмаклашган. Гётенинг “Фарбу шарқ девони” асари мutoалааси давомида ҳар бир ўқувчи албатта ўзи учун Гётенинг янгитдан кашф этиб, маънавий озуқа олади.

#### Фойдаланган адабиётлар:

1. Goethe West-ostlicher Divan München:2016.-217 S.



2. Гёте. “Фарбу шарқ девони”. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018. 283 б.
3. Аюпова, Д.И. Синтез запада и Востока в “Западно-восточном диване”.
4. Молодой ученый. 2014, №7. 621-623 б.
5. Alijonovna, A. G. (2022). DISTINCTIVE FEATURES OF STORIES BY STEFAN ZWEIG. American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 2, 88-94.
6. Alijonovna, A. G. (2022). PECULIARITIES OF STEFAN ZWEIG'S WORKS. Confrencea, 3(3), 91-94.
7. Asomiddinova, G. (2022). УЛУГБЕК ҲАМДАМ “ОТА” РОМАНИДА ҚАХРАМОН ОБРАЗИТАЛҚИНИДА МИЛЛИЙ ДЕТАЛЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ. Science and innovation, 1(B7), 406-409.
8. Asomiddinova, G. (2022). СТЕФАН ЦВАЙГ НОVELЛАЛАРИДА ИНСОН РУХИЙ ОЛАМИНИНГ ТАЛҚИНИ (“АЁЛ ҲАЁТИДАН ЙИГИРМА ТҮРТ COAT” НОVELЛАСИ МИСОЛИДА). Science and innovation, 1(B6), 488-491.
9. Alijonovna, A. G. (2022). DISTINCTIVE FEATURES OF STORIES BY STEFAN ZWEIG. American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 2, 88-94.
10. Asomiddinova, G. (2022). СТЕФАН ЦВАЙГ НОVELЛАЛАРИДА ИНСОН РУХИЙ ОЛАМИНИНГ ТАЛҚИНИ (“АЁЛ ҲАЁТИДАН ЙИГИРМА ТҮРТ COAT” НОVELЛАСИ МИСОЛИДА). Science and innovation, 1(B6), 488-491.
11. Alijonovna, A. G. (2022). INTERPRETATION OF THE IMAGE OF WOMEN IN S. ZWEIG'S SHORT STORIES "THE LETTER OF AN UNKNOWN WOMAN" AND "24 HOURS OF A WOMAN'S LIFE". American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 3, 39-46.
12. Oxonjonovich, A. S. (2023). Peculiarities of Semantics of Phraseological Units with Zonyms. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 17, 98-102.
13. Абдилоев, Ш. О. (2023). АЙРИМ УЙ ҲАЙВОНЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ БҮЛГАН ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТУРЛИ ХАЛҚЛАРДА МАЪНО ИФОДАЛАНИШИ. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(5), 122-128.
14. Абдилоев, Ш. О. (2023). ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР—ХАЛҚ ҲАЁТИНИНГ ИНЬИКОСИ. PEDAGOGIK ISLOHOTLAR VA ULARNING YECHIMLARI, 1(2), 157-159.

